АБДУЛЛАЕВА Моҳира Зохиджановна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш UNESCO кафедраси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

КИБЕРМАКОНДА РАДИКАЛ ҒОЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИНИНГ ХАВФЛИ ЖИҲАТЛАРИ

ОПАСНЫЕ АСПЕКТЫ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАДИКАЛЬНЫХ ИДЕЙ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ

DANGEROUS ASPECTS OF SPREADING RADICAL IDEAS IN CYBERSPACE

Аннотация: *Бугунги кунда кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кибермакондаги дунёвий ва диний мазмундаги маълумотлардан фойдаланиш кундалик эҳтиёжга айланган. Мақолада кибермаконда бузғунчи ташкилотлар томонидан экстремистик кайфият шакллантиришнинг айрим жиҳатлари таҳлил қилинган. Бундай маълумотларни тайёрлаш, тарқатишга Ўзбекистон республикасидаги расмий муносабат ҳамда ОАВларининг ўрни ёритилган. Бундай ташкилотларнинг маълумот тарқатишдаги стратегияси 2000 йиллар бошлари 2010 йилдан кейинги ҳолат билан қиёслаб очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Интернет, ижтимоий тармоқлар, кибермакон, ахборот, ОАВ, экстремистик материаллар*

Аннотация: *Сегодня использование светской и религиозной информации в киберпространстве стало ежедневной необходимостью во всех аспектах нашей повседневной жизни. В статье анализируются некоторые аспекты формирования экстремистских настроений запрещенными организациями в киберпространстве. Освещено официальное отношение Республики Узбекистан к подготовке и распространению такой информации, а также роль средств массовой информации. Выявлены стратегии распространения информации деструктивных организаций в начале 2000-х гг. по сравнению с ситуацией после 2010 г.*

Ключевые слова: *Интернет, социальные сети, киберпространство, информация, СМИ, экстремистические материалы*

Abstract: *Today, the use of secular and religious information in cyberspace has become a daily necessity in all aspects of our daily lives. The article analyzes some aspects of the formation of extremist sentiments by terroristic organizations in cyberspace. It highlighted the official attitude of the Republic of Uzbekistan to the preparation and dissemination of such information, as well as the role of the media. The article identified information dissemination strategies of destructive organizations in the early 2000s compared to the situation after 2010.*

Key words: *Internet, social media, cyberspace, information, Mass Media, extremistic materials*

КИРИШ

Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши интернет фойдаланувчиларига ўзаро мулоқот учун кенг имконият яратиб берди. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 22 млн.дан ортди, шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони 19 млн.ни ташкил этди. Мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш мақсадида 2 017 та мобил алоқа база станцияси ўрнатилиб, уларнинг умумий сони 26 мингтадан ошди. Халқаро Интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик қобилияти 1 200 Гбит/с. ни ташкил этиб, коммутация маркази орқали 750 Гбит/с тезликда Интернет тармоғига чиқиш имконияти яратилди ва тармоқнинг юкланиш даражаси 76,6 фоизни ташкил этди[1]. Албатта, бу қувонарли ҳолат, аммо шу билан бир қаторда жиноятчи шахслар томонидан ўз қилмишларини ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ҳолатлари кўпайди. Мазкур жиноятлар ичида диний экстремизим ва сепаратизим ҳамда ақидапараслик ғоялари билан йўғрилган материаларни турли ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда тарқатиш, сақлаш ва намойиш этиш ҳамда диний экстеремистик оқимларга жалб этиш кабилар, хавфлилик даражаси юқорилиги билан ажралиб туради.

2005 йилга қадар диний экстремистик ва террористик ташкилотлар ўз тарғиботларини “варақа” тарқатиш ва “ҳужра”лар ташкил этиш йўли билан амалга оширган бўлса, ҳозирда улар ҳам, ўзларининг тарғиботларини Одноклассники, ВКонтакте, Facebook, LinkedIn, Мой мир, Google+, Instagram тармоқлари, “Whatsapp”, “Telegram” месенджерларида бошлаганлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ижтимоий тармоқларнинг барчаси фойдаланувчига рўйхатдан ўтишда исм-шарифини, маълумоти, жинси, ирқи, яшаш жойларини кўрсатиш, видео ва фотосуратларини жойлаштиришни талаб этади. Мазкур маълумотлар орқали ҳар бир фойдаланувчининг психологик портретини осонгина яратиб, унинг қизиқиш ва мақсадларини аниқлаш мумкин. Бундан экстремистик гуруҳ вакиллари самарали фойдаланишади ва экстремистик руҳдаги материалларини тарқатишади.

Ўзбекистон қонунчилигига асосан мамлакат ҳудудига экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади. Жумладан, ОАВда ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шунингдек, Интернетда аниқланган экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгилари йўқ қилинади ёки олиб ташланади. Йўқ қилиш ёки олиб ташлаш имконсиз бўлган тақдирда улар жойлаштирилган ресурсларга кириш чекланади.

Ўз мафкурасини тарғиб этувчи саҳифаларни яратиш, тузумдан, ҳаётидан норози, жамиятда ўз ўрнини топмаган, топган бўлса эътиқоди суст, ватанпарварлик ҳисси заиф ёки мавжуд бўлмаган, иқтисодий ночор фойдаланувчиларни излаб топиб, уларнинг онгига ширин сўзлар, дўстона маслаҳатлар, керак бўлса унинг ҳисобига маблағ ўтказиш орқали таъсир кўрсатиб, ўз сафларига қўшишга ҳаракат қилишади[3].

Ижтимоий тармоқлардаги веб-саҳифалари билан биргаликда экстремистик гуруҳ намоёндалари ўзларининг ғояларини тўғридан-тўғри ошкор этмай фаолият юритишади.

Бу ижтимоий тармоқ ёки мессенжер фойдаланувчисига[2]:

– “босқинчилар”га (экстремистик гуруҳдагилар учун босқинчилар – уларни эркин фаолият юритишига имкон бермаётган оддий инсонлар, гоҳида давлат) қарши кураш ва маълум бир йўналишларни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтибослар, афоризмлар;

– тузумни ўзгартиришга чақирувчи видеолар;

– жиҳод афзалликлари ва Аллоҳ йўлида кофирларни йўқ қилиш орқали жаннатга киришни тарғиб этувчи маълумотлар жўнатилади.

Оммавий онгга мунтазам равишда тажовузкор диний экстремизм ва терроризмнининг хавфи ҳақида ахборотни сингдириш, уларни маълум бир ўта қудратли кучга эга образга айлантиради.

Бу шундан далолат берадики, турли ижтимоий тармоқларда шаклланган гуруҳларни бошқариб бўлмаслиги, улар томонидан содир этилаётган экстремизм билан боғлиқ жиноятлар сони ҳамда жамиятга салбий таъсири ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимиз қонунчилиги бўйича диний экстремизим, сепаратизим ва ақидапарастлик ғояларини билан йўғрилган материалларни намоий этиш мақсадида сақлаш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 2441-моддаси 1-қисми билан, уларнинг хар қандай кўринишда тарқатиш мазкур модданинг 2-қисми билан, Интернет жаҳон ахборат тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатилса, ушбу модданинг 3-қисми билан оғирроқ жиноят сифатида жавобгарликка тортилади.

Интернетда тарқатиладиган барча матнли ва визуал маълумотлар, одатда, ахборот ва тушунча беради, тасаввур ва образлар яратади, қадриятлар ва уларга муносабатларни ҳамда кишилар хатти-ҳаракатларини белгилайди ва жамоатчилик фикрини шакллантиради [4]. Шу билан биргаликда, ушбу ахборотни шу тарзда идрок этиш, тушуниш ва баҳолаш жамиятдаги одамларнинг хатти-ҳаракати билан бевосита боғликдир.

Ахборот маконининг ривожланиш тенденциялари таҳлили, шунингдек фойдаланувчиларнинг бу каби материалларга бўлган муносабати фаолияти тақиқланган ташкилотлар ўзларининг доимий аудиториясига эга эканлигини кўрсатди. Ҳозирда мавжуд бўлган бузғунчи, яъни деструктив оқимлар ғояларини тарғиб қилиш ҳақида сўз кетганда, улар манипуляция усулларини деярли ҳар бир шахснинг воқелик ҳақидаги тушунча ва билимларини назарда тутган ҳолда қўллашларини қайд этиб ўтиш лозим.

Бу масалада одамларга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши аниқланган[5]:

• визуал таъсир: тасвир, матн, имо-ишоралар;

• аудио таъсир: овоз ва мусиқа;

• кинестетик таъсир, яъни тана аъзоларига таъсир: сезгилар, ушлаб кўриб ҳис этиш, ички кечинма ва бошқалар.

Интернет тармоғи орқали бугунги кунда ўзбек тилидаги турли иллатли ташвиқот материалларининг ортиши чегара билмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шуларни инобатга олган ҳолда, ушбу ахборотларни идрок этиш, тушуниш ва баҳолаш масаласи одамларнинг жамиятдаги хулқ-атвори ва одатлари билан бевосита боғлиқ. Ҳозирги бузғунчи оқимлар ғояларини тарғиб қилиш ҳақида гапирганда, улар деярли ҳар бир шахснинг борлиқни идрок этишнинг ўзига хос одат ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда манипуляциянинг барча усулларини қўллашларини қайд этиш лозим, яъни:

Визуал таъсир кўрсатиш: тасвир, матн, имо-ишоралар.

Овозли таъсир кўрсатиш: овоз ва мусиқа, оғзаки сўзлашув.

Кинестетик таъсир кўрсатиш: ҳис этиш, ушлаб кўриб ҳис қилиш, ички кечинма ва бошқалар.

2014-2015 йилларда, яъни фаол ахборот кампаниясининг бошида, “Исломий Давлат” (Ўзбекистонда тақиқланган террорчилик ташкилоти) агентликлари “Халифаликда ҳаёт фаровон” мавзусида жуда кўп видео лавҳалар тарқатди. Касалхона, меҳмонхона ва маъмурий муассасалар, завод ва фабрикалар тасвирланган ҳамда мазмун ва сифат жиҳатидан юксак даражада бўлган видео лавҳалар Ислом халифалигида мусулмонларнинг мўътадил ва сокин ҳаёти учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини кўрсатиш керак эди. Тарғиботнинг дастлабки босқичида урушни “ваҳимасиз, енгил” кўрсатиш стратегиясини қўллаш, яъни уни компьютер ўйинига айлантириш орқали уруш даҳшатларини яшириш учун мўлжалланган эди. Баъзи пайтларда шафқатсизлик, ёлланган аскарларга ёмон муомала қилиш ва уларни беаёв камситиш ҳақидаги хабарлар тарқатмаслик стратегияси ҳам қўлланилган[6].

Тарғибот видеороликлари, одатда, турли аудитория учун мўлжалланган бўлади. Террорчилик ташкилотлари стратегиясининг асосий мақсади – уларнинг ғоялари кенг оммани қамраб олиши ва ўз аъзоларини қаҳрамон инсонлар қилиб кўрсатишга асосий урғу беришдан иборат. Матн, видео тасвир ва рамз кўринишидаги соддалаштирилган ғоялар бузғунчи ташкилотларнинг кўплаб веб-сайтларига жойлаштирилади ва блоглар ва ижтимоий тармоқларда тарқатилди. Хабар ва маълумот тарқатишнинг мазкур кўп қиррали имкониятлари бузғунчи гуруҳларнинг асосий ғоя ва мақсадларини содда шаклларда тарқатиш, ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш имкониятини яратмоқда[7]. Шу билан бир қаторда бугунги кунда Интернет бузғунчи гуруҳлар томонидан ўз сафига жангариларни ёллаш учун самарали восита сифатида ҳам қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирги замон тарғиботи, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асосан Интернетда олиб борилади ва шу маконда виртуал бузғунчи гуруҳлар ҳам ташкил этилади, уларнинг раҳбарлари Интернет орқали ҳар бир аъзо фаолиятини бевосита мувофиқлаштириб боради.

Ҳаддан зиёд кўплаб бузғунчи ва жамият учун ёт бўлган ғоялар, стереотип ва нотўғри қараш ва хурофотларни қамраб олган экстремистик ахборот ва изоҳларнинг бари жамиятни мусулмон ва мусулмон эмасга, “эътиқодли” ва “эътиқодсиз кофирларга” ажратиб ташлашга қаратилган. Бундан ташқари, бузғунчи гуруҳлар ўз ҳаётидан қониқмаган ва норози кайфиятда бўлган одамлардан фойдаланиб қолишга ва уларни ғаразли мақсадда ишлатишга интиладилар[5]. Аксарият одамлар инқирозли вазият ва руҳан тушкун ҳолатда қолган пайтларда бузғунчи гуруҳларга қўшилиб қолади. Эркак ёки аёл наздида бузғунчи гуруҳ ғоялари уларга психологик тушкунлик ва қалбини кемираётган ташвишларни енгиб ўтишга кўмак бераётгандек бўлиб кўринади. Киши руҳида фавқулодда пайдо бўладиган қўрқув ҳисси уни бузғунчи гуруҳларнинг идеал қурбонга айлантиради, чунки унинг онгига уни хавотирга солаётган фикр ва ҳаётий муаммолардан қалбан халос бўлганлик ҳисси туйдирилади.

Ижтимоий тармоқлар, “Youtube” ва бошқа манбаларда бузғунчи ва жамиятимизга ёт бўлган ғояларнинг кенг тарқатилишига баъзи ҳолларда, нафақат уларнинг ташкилотчилари, балки минтақадаги қуролли низолар қурбонлари бўлган мусулмонларга маълум даражада ҳамдард ва хайрихоҳ бўлган оддий одамлар ҳам сабабчи бўладилар. Бу каби ахборотлар ҳақида бир-бирлари билан фикр алмашиш орқали, улар ушбу ғояларга ихтиёран ёки беихтиёр жамият эътиборини жалб қилишга ҳисса қўшадилар.

Ушбу ёндашувлар одамнинг турлича психофизиологик турига қараб, турли хил усулларда қўлланилган. Бузғунчи гуруҳларга ёлловчилар диний маълумотга эга шахсларга нисбатан ўзига хос усуллар қўллайдилар, масалан, уларга ушбу мафкуранинг раҳбари ва етакчи сафдошлари ролини таклиф қилишди.

Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган деструктив оқимлар ўз мақсадларига эришиш учун "муқаддас уруш" умумғояси остида "қаҳрамон-жангари" деб аталмиш "романтик образ"ни тарғиб қилмоқда[11]. Ҳозирда жангарининг тарғиб қилинаётган образлари барча одамлар учун тегишли бўлган қаҳрамонлик ғоясини тарқатиш бошлаган, ҳолбуки, урушни дин номи билан ниқоблаш бўйича илгари ўтказилган барча тарғибот кампаниялари фақат жамиятнинг сара одамлари учун мўлжалланган эди. Бу ерда биз жангарилар сафига ёллашнинг бутунлай бошқача усулини кузатамиз. Бу энди жангарилар сафига айрим шахсларни танлаб олиш эмас, балки ушбу фаол диний ҳаракатга қизиқиш ва ҳамдардлик билдирадиган ҳар бир кишини жалб этишдан иборат[5].

Қўпорувчилик иши ва жамиятни беқарорлаштириш тактикасини амалга ошириш усуллари ҳам соддалаштирилган, ҳозирда бу йўналишдаги барча мувофиқлаштириш жараёнлари Интернет орқали амалга оширилмоқда. Эндиликда гуруҳларга тўпланишнинг зарурати қолмади ва қўпорувчилик, жамиятни беқарорлаштириш ишлари бир киши томонидан олиб борилмоқда. Ёшлар орасида бузғунчи ғояларни "поп маданият" билан уйғун равишда таъсирчан тарғиб қилиш ва диний ақидаларни янгича талқин қилиш имкони пайдо бўлди[8]. Диний таълимотни бузиб тушунтириш ва шу тариқа замон талабига мослаш, уни муваффақиятли олиб боришга имкон яратиши билан бир қаторда, унинг раҳнамолари томонидан олиб борилган тарғибот, айниқса, динни яхши билмаган, аммо унга қизиққан кишилар томонидан осонлик билан қабул қилинмоқда. Ушбу стратегияда дин мавзусига қизиққан одам билан дин мавзусидаги суҳбат унинг қалбига "калит" топишни анча осонлаштиради. Ёшларга, улар онгини эгаллаш борасида бир неча хил ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, келажаги ноаниқ "дунёвий ҳаёт" ўрнига, "халифалик учун муқаддас урушда ўлим қўркуви"ни енгиб ўтиш ғояси таклиф қилинди ва қиёмат куни қайта тирилганда унга жаннатда "абадий ва фароғатли ҳаёт" ваъда қилинди[9].

Бугун жиҳод ҳаракати қаҳрамонларининг образи ҳам мутлақо ўзгарган: 2015-2017 йиллардаги экстремистик тарғиботнинг замонавий қаҳрамони – бу сиз билан бизга ўхшаган ақли расо инсон, қўшни кўчадаги оддий йигит кўринишида акс эттирилган. Агар 2001 ва ундан кейинги йиллардаги тарғиботларда қаҳрамон фақат шаҳид ва қурбон сифатида кўрсатилган ва атайин анонимлик тамойили ишлатилиб, номи яширилган бўлса, эндиликда янги усулдаги тарғибот қаҳрамони бошқаларга ўрнак бўлувчи оддий йигит сиймосида намоён бўлмоқда[11]. У ўзининг ташқи кўриниши ва намунавий амаллари билан исломий халифалик йўлида ҳеч нарсадан ҳайиқмас одамни гавдалантирилган ҳолда бу каби қаҳрамонлик ҳар бир инсоннинг қўлидан келиши мумкин, деган ғоя тарғиб қилинмоқда.

Ушбу мафкурада хаёлан шакллантирилган замонавий қаҳрамоннинг хислатларини аниқ ва маълум бир инсонда намоён бўлиши ниҳоятда муҳим омилдир. Унинг юз кўриниши, исми ва таржимаи ҳолини билиб оламиз. Қилинган ишлари янада таъсирчан бўлиши учун унинг ташқи қиёфаси етарлича жозибадор кўрсатилади[10]. У жасур ва атрофдаги одамлар билан хушмуомала ва доим зафар қозонувчи қаҳрамон. Бундай қаҳрамон, одатда, қаддикомати келишган, киши эътиборини ўзига тортадиган, ҳиссий завқ бағишловчи ва ҳатто ҳавас қилгудек даражадаги шахс, у иблис эмас, балки инсоний қиёфадаги, эзгу ҳис-туйғу ва кечинмалари билан яшайдиган инсон сифатида тасвирланади. Ҳаттоки, у иблис қиёфасида ва "салбий қаҳрамон" сифатида гавдалантирилган тақдирда ҳам мазмунан бу образ аслида жозибали қилиб кўрсатилади. У энди афсонавий "супер қаҳрамон" эмас, балки бир маҳаллада яшайдиган оддий йигит. Шу усуллар ёрдамида 2016 йилдан бери ёшлар "қаҳрамонлик"ни ўз мамлакатида "жиҳод" ҳаракатида фаол иштирок этиб амалга оширилиши мумкинлиги тарғиб қилиб келинаяпти. Афсуски, орамизда биз ушбу тарғиботга берилиб, бу каби ҳаракатларга қўшилиб қолган ёшлар борлиги ҳозирда сир эмас.

ХУЛОСА

Қайд этиш зарурки, ахборот қабул қилувчиларни бузғунчи ғоялар “тарафдори”га айлантириш ва тақиқланган экстремистик ва террористик ташкилотларнинг радикал мафкурасига ижобий муносабатда бўлиши ва ҳаттоки, қўллаб-қувватлашига тўла-тўкис эришиш учун одамлар орасида адоват ва душманлик туйғуларини кучайтириш усули бир неча босқичлардан ўтади:

Биринчи босқич - “норозилик ва шикоят тили”; иккинчи босқич - “ёлғон ва бўҳтон тили”; учинчи босқич –“адолат ва солиҳлик тили”.

“Норозилик ва шикоят тили”дан фойдаланилганда радикал тарғиботчилар фойдаланувчиларда маълум туйғу ва ҳиссиётларни уйғотади (ачиниш, ғазаб, ғижиниш, нафрат) ва умумий душман қиёфаси шакллантирилади. Ҳиссийликни ошириш учун эса, Facebook, YouTube ва бошқа шунга ўхшаш веб-сайт ва каналларга ҳаволалар берилади... Таъсир кучини ошириш учун “ёлғон ва бўҳтон тили” ҳам ишлатилади, бу эса, ўз навбатида, тарфдорларни топиш ва ёллаш, зарарли тарғиботни кучайтириш, бўҳтон ағдариш учун қўлланилади. “Ёлғон ва бўҳтон тили” таъсири остида, одам бир хил фикрли инсонлар билан алоқа қилишни истайди ва ёнидаги кишилар фикрини мутлоқ инкор этади, яъниким, “онгда қотиб қолиш” жараёни юз беради.

Тадқиқотчи Рустам Азизийнинг сўзига кўра, ёлловчи ва тарғиботчилар ўз мақсадларига эришиш учун “зомбига айлантирилган фойдаланувчи”га нисбатан “адолат ва солиҳлик тили”ни қўллашади. Бу эса, маҳаллий даражадаги нуфузли инсонлар ва масъул шахсларнинг обрўсини тўкиш учун улар билан долзарб мавзулар бўйича масала талашиш, баҳс юритиш, ўз тарафдорлари ва ҳамфикрлари сонини кўпайтириш, Марказий Осиё минтақасидаги диндорлар орасида низо ва тартибсизликни келтириб чиқаришга хизмат қилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун улар турли форматдаги материалларни, яъни матн, видео ва аудио шаклдаги ахборотларни тожик, ўзбек, қозоқ, қирғиз ва рус тилларида тайёрлайди ва нашр этади.

Ахборот маконидаги тенденциялар шунингдек, бундай материалларга фойдаланувчиларнинг муносабати таҳлили эса, тақиқланган ташкилотлар раҳбарлари, афсуски, ўзларининг доимий аудиториясига эга эканлигини кўрсатмоқда. Нафрат, стереотиплар, ғализ тушунчалар ва ёлғон фикрлар ёллаш воситаси сифатида минтақа ёшларига салбий таъсир қилмоқда ва уларнинг “тарафдорлари” пайдо бўлмоқда, натижада “тарафдорлар” Интернет тармоқларида бузғунчи ғояларни тарқатишда иштирок этмоқда.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рақамли иқтисодиёт тараққиёт гарови. Электрон манба: http://www.mitc.uz/uz/news/view/1170 (Мурожаат санаси: 26.01.2022 й)
2. Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010 йил.
3. Жўраев Н. Терроризм – инсоният тамаддунига таҳдид. Электрон манба: http://mv-vatanparvar.uz/uz/news?id=5917
4. Қосимова Н. Зиддиятли вазиятларда журналистика. – Тошкент, 2019.
5. Қосимова Н., Арифханова С., Тошпўлатова Н., Абдуллаева М. ва б., Ҳозирги замоннинг долзарб хавф-хатар ва таҳдидларига қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни., – Тошкент, 2020.
6. Цыганов В. Медиа-терроризм: терроризм и средства массовой информации. Электрон манба: https://www.studmed.ru/view/cyganov-v-media-terrorizm-terrorizm-i-sredstva-massovoy-informacii_d398538de83.html
7. Human Security Report 2005: War and Peace in the 21st Century, 2005.
8. Судас Л. Образ общества в постмодернистской социологии, 2006.
9. Лариса Г. Судас. Постмодернизм. Электрон манба: http://www.chem.msu.su/rus/teaching/sociology/postmodern.html
10. Жан-Франсуа Лиотар: состояние постмодерна, 1998. Электрон манба: https://gtmarket.ru/laboratory/basis/3097
11. Уоррик Джоби. Черные флаги. Ближний Восток на рубеже тысячелетий. – Россия: Издательская группа «АСТ», 2018.